

Сийрат дарслари (103-дарс). Мазлумнинг дуосидан қўрқ!



13:02 / 18.09.2020 4307

413. Зайнаб бинт Абу Саламадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Умму Ҳабибанинг олдига кирдим. Ўшанда унинг отаси Абу Суфён вафот этган кунлар эди. У сариқ рангли аралашма ёки бошқа хушбўй нарса келтиришларини сўради. Ундан бир қизчага суртиб кўрди-да, кейин ўзининг икки юзига суртди. Сўнгра: «Аллоҳга қасамки, ҳозир хушбўй нарса суртадиган ҳолим йўқ, аммо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёлнинг бирор майит учун уч кундан ортиқ аза тутиши ҳалол эмас. Фақат эрига тўрт ойу ўн кун тутди»**, деганларини эшитганман», деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Зайнаб айтди: «Зайнаб бинт Жаҳшнинг олдига акаси вафот қилганда кирдим. У хушбўй чақирди, сўнг ундан суртди. Сўнгра: «Аллоҳга қасамки, ҳозир хушбўй нарса суртадиган ҳолим йўқ, аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбардан туриб: **«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёлнинг бирор майит учун уч кундан ортиқ аза тутиши ҳалол эмас. Фақат эрига тўрт ойу ўн кун тутади»**, деганларини эшитганман», деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

414. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муозни Яманга юбораётиб қуйидагиларни айтдилар: **«Албатта, сен аҳли китоб қавмининг ҳузурига борасан. Шунда уларни энг аввал чақирадиган нарсанг Аллоҳ азза ва жалланинг ибодати бўлсин. Аллоҳни танишгач, Аллоҳ уларга бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганининг хабарини бер. Агар буни қилсалар, Аллоҳ бойларидан олиниб, фақирларга қайтариладиган закотни уларга фарз қилганини хабар қил. Агар улар сенга бунда итоат этсалар, яхши молларини олишдан ҳазир бўл»**.

Бошқа ривоятда: **«Мазлумнинг дуосидан қўрқ, чунки у(дуо) билан Аллоҳнинг орасида парда йўқдир»**, дейилган.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан